

Қуръони Карим дарслари (92-дарс). «Муҳкам» ва «муташобих» уламолар истилоҳида



13:00 / 30.06.2020 6134

(биринчи мақола)

Юқорида 91 дарсимизда «муҳкам» ва «муташобих» сўзлари Қуръони Каримнинг бир неча оятларида ўзининг луғатдаги маъноларини ифода қилган ҳолда келгани айтиб ўтилди. Шу билан бирга, яна Қуръони Каримнинг кўп оятлари муҳкам бўлиб, улар аслини ташкил этиши ва баъзи оятлари муташобих экани ҳам Қуръони Каримнинг ўзида таъкидлаб айтиб ўтилгандир.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида айтади:

«У сенга Китобни нозил қилган Зотдир. Унда муҳкам оятлар бор – улар Китобнинг аслидир – ва бошқалари муташобихлар...» (7-оят)

Ушбу ояти каримада Қуръони Каримнинг оятлари иккига – муҳкам ва муташобихга бўлиниши ҳақида сўз кетмоқда.

Қуръони Каримда келган муҳкам – ойдин оятларнинг маънолари равшан, тушунилиши ҳам осон. «Улар китобнинг аслидир», яъни ўша муҳкам оятлар Қуръоннинг аслини ташкил этади. Шу билан бирга, Аллоҳ ирода қилган ҳикмат учун Қуръонда муташобих – бир-бирига ўхшаш маъноларни билдирадиган, турлича маънога буриш мумкин бўлган оятлар ҳам бор. Лекин булар жуда ҳам оз бўлиб, кишиларнинг иймонини синашга хизмат қилади.

Уламолар муҳкам ва муташобихнинг илмий ва аниқ маъноларини чегаралашда ҳамда уларнинг ҳар бири ўз ичига олган нарсаларни белгилашда кенг ва кўп ихтилоф қилганлар. Шу билан бирга, уларнинг бу икки нарсанинг таърифида айтган гаплари кўп бўлишига қарамай, мазкур таърифларни икки асосий йўналишга тақсимлаш мумкин.

Биринчи йўналишга кирган уламоларнинг таърифида «Муташобих илми – Аллоҳ Ўзига хос қилиб олган ва инсонлардан ҳеч кимга билдирмаган нарса» дейилади. Бунга қиёмат ҳақидаги илм ҳамда сураларнинг аввалидаги кесик алифбо ҳарфлари илмига ўхшаш нарсалар мисол қилинади. Албатта, бу қисмдаги таърифлар муташобихнинг нозик маъносини ўз ичига олгандир.

Ушбу йўналишдаги таърифларга мисоллар:

1. Имом Қуртубий Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу, Шаъбий ва Суфён Саврийга нисбат берган таърифда қуйидагилар айтилади:

«Қуръоннинг муҳкам оятлари – таъвили маъруф бўлган, маъноси ва тафсири фаҳмланганларидир. Муташобих эса уни билишга йўл бўлмаган, илмини Аллоҳ Ўзи хослаб олган ва халқига билдирмаган қиёмат қоим бўлиши вақти ва сураларнинг аввалидаги кесик алифбо ҳарфлари каби нарсалардир».

Имом Қуртубий бу таърифни мақтаган ва: «Бу муташобихнинг таърифида айтилганларнинг энг гўзалидир», деган.

2. Аҳли суннага нисбат берилган таърифда айтилади:

«Муҳкам – ундан кўзланган мурод очиқ-ойдин ёки таъвил ила билинган нарсадир. Муташобих – илмини Аллоҳ таоло Ўзига хослаб олган, қиёматнинг қоим бўлиши, Дажжолнинг чиқиши ва сураларнинг аввалидаги кесик алифбо ҳарфлари каби нарсалардир».

3. Саййид Маҳмуд Олусий ҳанафийларга нисбат берган таърифда қуйидагилар айтилади:

«Муҳкам – далолати равшан бўлган ва насхни қабул қилмайдиган нарсадир. Муташобих – ақл билан ҳам, нақл билан ҳам маъносини идрок этиб бўлмайдиган нарса бўлиб, илмини Аллоҳ таоло Ўзига хослаб олган, қиёматнинг қоим бўлиши ва сураларнинг аввалидаги кесик алифбо ҳарфлари каби нарсалардир».

Ушбу таърифлардан очиқ-ойдин кўриниб турибдики, таъриф эгаларининг фикрича, «муҳкам» инсон ўзининг идроки ва таъвил қилиш қудрати ила фаҳмлаш ҳамда таъвил қилишга қодир бўлган нарсадир. «Муташобих» эса илмини Аллоҳ таоло Ўзига хослаб олган нарсадир.

Иккинчи йўналишга кирган уламоларнинг таърифида «муташобих» кенг маънода олинган бўлиб, идрок қилиш қийин бўлган, маъносида енгиллик бўлмаган, тушуниш учун таъвил лозим бўлган, яъни маънони бошқа тарафга буриш керак бўлган ҳамда уни баён қилишда бошқа воситаларга эҳтиёж тушадиган оятларнинг барчаси муташобих дейилган.

Бу қисмга оид таърифларнинг мисоли қуйидагилар:

1. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу ва кўпчилик усулийларнинг таърифи:

«Муҳкам фақат битта таъвилни кўтарган нарсадир. Муташобих эса бир неча таъвилни кўтарадиган нарсадир».

2. Имом Фахриддин Розийнинг таърифи:

«Муҳкам – далолати кучли бўлган насс ва зоҳирдан иборатдир. Чунки бу иккиси далолатнинг кучли бўлишида иштирок этадилар. Бунда насс бошқа нарсани ман қилади, зоҳир эса бошқа нарсани ман қилмайди.

Муташобих эса далолати кучли бўлмаган нарса бўлиб, мужмал, муъаввал ва мушкиллардир. Уларнинг ҳар бири далолати кучли бўлмаган далиллардир».

Ушбу таърифда келган баъзи истилоҳларни кенгроқ шарҳ қилишга эҳтиёж бор.

(Давоми бор)

«Қуръон илмлари» китобидан